

«Рамазон акцияси» давом этмоқда



20:20 / 01.05.2021 1491

Рамазоннинг файзи, шукуҳи ўзгача. Бу ойда эзгу амаллар кенг қулоч ёзади, хайрли ишлар кўп бажарилади. Чунки ҳадиси шарифда айтилганидек: «**Одам боласининг ҳар бир эзгу амалига (Рамазон ойида) ортиғи билан мукофот берилади. Бир яхшиликка ўн баробардан то етти юз баробаргача савоб ато этилади**».

Имом Бухорий ривояти.

«Вақф» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Тошкент вилояти вакилиги ҳамда Тошкент тумани имом-хатибларининг саъй-ҳаракатлари билан «Рамазон акцияси» доирасида ҳудуддаги «Абдуллоҳ ибн Аббос» жоме масжидида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Хайрия тадбирида Дин ишлари бўйича қўмита масъул ходими Муҳаммадбобур Йўлдошев, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Масжидлар бўлими мудирини Муҳаммадназар Қаюмов, Тошкент вилояти бош имом-хатиби Жасурбек Раупов иштирок этди.

«Рамазон акцияси» доирасидаги хайрия тадбирлари давом этмоқда.

